



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакдаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

2002 йил 24 август, 177 (3005)

Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 август куни Оқсаройда АҚШ Қуроли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди.

Яқинда халқаро аксилтеррор операцияси бошланганига бир йил тўлади. Бу муддат ичида халқаро коалиция Афғонистонда катта муваффақиётларга эришди. Айни кунларда қўшни юрда давлатчиликни янгидан шаклланти-

риш, халқ ҳўжалигини тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш борасида сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин. Албатта, бу хайрли ўзгаришларда Ўзбекистоннинг халқаро аксилтеррор коалициясига қўрсатётган ёрдами муҳим омил бўлмоқда.

Бу — Генерал Томми Фрэнкснинг мазкур операция бошланганидан буён ўтган вақт ичида туртинчи бор Ўзбекистонга келиши. Президент Ислам Каримов, меҳмонни



Шу кунги Президент Ислам Каримов АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Бюджет бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Хокстра раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменларни ҳам қабул қилди. Таъкидлаш жоизки, бир вақтнинг ўзида мамлакатимизда АҚШнинг икки делегацияси меҳмон бўлаётгани ҳам Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари нечоғли катта сурат билан ривожланиётганини кўрсатади. Яхши маълумки, АҚШнинг ички ва ташқи сиёсатида Конгресс муҳим ўрин тутади. 11 сентябрь воқеаларидан кейин бу яна бир қарра яққол намоён бўлди. Қайси партиядан сайланганига қарамай, барча депутатлар жипслашди ва бир овоздан терроризмга қарши кураш ҳақидаги қарорни қўлдош қилди.

Конгресс аъзоларининг мамлакатимизга ташрифи ҳам давомий тус олган. Бу АҚШ олий қонун чиқарувчи органида Ўзбекистон билан муносабатлари янада ривожлантириш иштиёқи кучли эканлигини далиллади. Конгрессменларнинг юртимизга қизиқиши эса Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини раванқ

топтиришда муҳим аҳамиятга эга, албатта. Учрашувда Президент Ислам Каримов Конгресс фаолиятига юқори баҳо берад экан, халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида амалга ошираётган ишлари учун АҚШ ҳўкумати ва халқига миннатдорлик билдирди. Зеро, АҚШ бошчилигидаги халқаро коалициянинг сайҳаракатлари билан қўшни Афғонистондаги террор ўчоқла-

рига барҳам берилди ва Марказий Осиё барқарорлиги таҳдид солиб турган хавф камайди. Бу гал юртимизга ташриф буюрган делегация Вакиллар палатасининг фан, таълим, транспорт, инфратузилма, молия, энергетика, савдо, ҳарбий ишлар, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалар билан шуғулланувчи қўмиталари вакиллари билан ўтказилган иборат. Бу ҳам Конгрессда Ўзбекистон билан ало-

(ЎзА). СУРАТЛАРДА: қабул пайтлари. Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шўхратини ва обрўсини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги юкати катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни раванқ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

- Акрамова Дилбар — Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси
- Бобожонов Ислам Олимович — Хоразм вилояти ҳокими
- Зокиров Марат — Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори
- Латипов Азим Шукрович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат ҳўжалиги раиси
- Саидов Муродулло — Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жейнов ширкат ҳўжалиги раиси
- Шарафиддинов Озод Обидович — «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август.



Зокиров Марат



Латипов Азим Шукрович



Саидов Муродулло

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини муқофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқўб ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган бетакрор истебодли ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросини шондор олаб, қуйидаги марҳум олим ва санъаткорларга «Буқо хизматлари учун» ордени билан муқофотлансин:

- Ҳабиб Абдуллаев — академик
- Содиқ Азимов — академик
- Тўхтасин Жалилов — Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор
- Убай Орипов — академик
- Игорь Савицкий — Ўзбекистон санъат арбоби, расм
- Тошмуҳаммад Саримсоқов — академик
- Съэди Сирожиiddinov — академик
- Обид Содиқов — академик
- Ҳамид Сулаймонов — Ўзбекистон фан арбоби, манбашунос олим
- Олим Ҳўжаев — Ўзбекистон халқ артисти, актёр
- Собир Юнусов — академик
- Тошмуҳаммад Қори Ниёзий — академик (Қориниёзов)
- Яхё Фуломов — академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август.

Навоий—Учқудуқ—Султон Увайстоғ—Нукус темир йўли бунёдкорларига

Қадри дўстлар! Сизларга бугунги унутилмас воқеа — Навоий—Учқудуқ—Султон Увайстоғ—Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови бошланиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муқофот эшаман. Мамлакатимиз ҳаётида беқўб иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу улкан ишнинг мустақиллик байрами арафасида ишга туширилишида ўзинга хос раъсий маъно бор. Иқтисодий-ижтимоий ҳўжалиқимизнинг қон томири бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, лойиҳа қиймати 38,9 миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу қўрилишнинг айнан истиқбол йилларида амалга оширилгани мустақиллик ҳаққимиз учун берган имкониятларнинг яна бир ёрқин намоёнидир, десак, асло хато бўлмайд.

Бу эса Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, миктақадаги фойдаланувчи қўрилари комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топшиш ва тежаси, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, қўлбай янги иш ўринларини очини, шаҳар ва қишлоқларда ийрик sanoat корхоналарини бунёд этиш, энг муҳими, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш имконини беради. Мен оғир табиий шартларга қарамадан, туну кун фидокорона меҳнат қилиб, мураккаб муҳандислик ва техник ечимларни ўзинга олган янги маистрал йўли барпо этишда марҳум ва жасорат кўрсатган лойиҳачи ва инженерларни, қурувчи ва монтажчиларни, темирйўлчиларни, маҳаллий ҳўкумлат вакиллари, бир сўз билан айтганда, мана шу савобли ишга ҳисса қўшган барча юртодошларимизни қўлга киритилган улкан меҳнат галабаси билан яна бир бор муқофот эшаман.

Ишончим комилки, сизларнинг матонатингиз, билим ва маҳоратингиз билан барпо этилаётган мана шундай катта-катта йўллар ўзининг ёруғ келажак сари иштилоқчан мамлакатимиз, халқимиз олдида янги истиқбол уфқларини очини муқаррар.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳамisha омон бўлинг, азизларим!

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БУ ЙўЛЛАР...

Боши, охири бор ҳар қандай йўлнинг, Бу йўлларнинг эса адоғи бўлмас Эзу нишларга ошно ҳар дилнинг Йўлини Аллоҳим ўзи бергай, бас!

23 август 2002 й. йул репортажи

Комиссия ишфилиши

Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг наваблагчи йиғилиши бўлди. Уни Бош прокурор, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги ичкиликбилликка ва тўғриқонунчиликка қаршиликнинг маҳаллий комиссияларнинг барчасида масъул котиб лавозимларида ҳўкумуно мухассислар фаолият кўрсатиши таъминланган. Ешларни иш билан таъминлашда ижобий ўзгаришлар юз бераётир. Уларни миллатий ҳўнармандлик бўйича ўқитиш, касба йўналишли ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада фермерлик ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги хабарлар

АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Бюджет бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Хокстра раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов ҳамда Мудофаа вазирлиги Қодир Фуломов билан учрашди.

Ташқи ишлар вазирлигида

Учрашувда АҚШ конгрессменларидан иборат катта делегациянинг юртимизга ташрифи катта воқеа эканлиги таъкидланди. Зеро, бундай ташрифлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширади. Сўҳбат чоғида икки томонлама алоқаларини янада кенгайтириш, минтақамиздаги вазият, халқаро террорчиликка қарши кураш, Афғонистонда тикланиш ишларининг бориши ҳўсусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

Оммавий ахборот воситалари ва дин

Тошкент ислом университетига республикамизнинг шарқшунос олимлари, танқиди уламолар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги билим юрти раҳбарлари, мудирислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларида диний мавзуларнинг ёритилишига бағишланган мазкур тадбирини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Қароматов бошқарди. Анҳўзманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниiddinov «Ўзбекистонда диний бағрикенглик ососларини мустаҳкамлаш ҳамда диний экстремизмга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, «Видеон эркинлиги ва матбуот», «Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида диний бағрикенглик мавзуининг ёритилиши», «Мустақиллик, дин ва матбуот» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

(Давоми 2-бетда).

254-рақамли поезд

Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа рўй берди. «Навоий—Учқудуқ—Султон Увайстоғ—Нукус» янги темир йўл тармоғи бўйича биринчи йўловчи поезди қатнай бошлади. Ушбу маршрутдан «Халқ сўзи» муҳбири Михли Сафаров хабар қиладди:

(Давоми 2-бетда).

Янги тарихимиз саҳифалари

Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Фарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосий йўллари чорраҳасида белгилаган.

Ислол КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ

ОЛТИН БЕЛБОҒИ



Оммавий ахборот Воситалари Ва дин

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳар ким ўз фикр-мулоҳазаларини, воқеа-ҳодисаларга муносабатини маъбуот, телевидение ва радиога эмин-эркин билдириши мумкин. Бу ҳуқуқ ва имкониятни бизга мустақиллик берди. Ушбу даврни бошдан кечириб, бир тизимдан тамомила бошқа тизимга ўтмоқдамиз. Кишиларда миллий ғурур уйғотиб, қадриятларимизни тиклайдиган, замон талабларига мос мафқуран, дунёқарашни шакллантириш оммавий ахборот воситалари олдига турган энг масъулиятли вазифадир.

Маълумки, кейинги вақтларда оммавий ахборот воситаларида диний мавзу кенг ёритилмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг

фаол иштирокида аҳоли онгига ақдлапараст оқимларга нисбатан муросасиз муносабат шаклланди. Ақдлапарастликка қарши қўйлаб мақолалар чоп қилиниб, радио ва телевидениеда кўрсатув ва эшиттирилган бериб берилмоқда. Аммо ҳали ҳамон ноаниқ, баъзан асосиз маълумотлар, саёс мақолалар, кўрсатув ва эшиттирилган ҳам учраб тургани сир эмас. Турли савия ва ёшдаги кишилар диний мазмунидаги чиқишлардан манба сифатида фойдаланишлари, юзаки маълумотлар эса минг-минглаб одамлар фикрини қалғитиши, нотўғри хулоса чиқаришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун анжуманда маъзур мавзудаги чиқишлардан олдин соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиш фойдалан холи бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. (ЎЗА).

Аёлларга эҳтиром

Ўзбек Миллий академик драма театрида Қарияларни қадрлаш йили ва мустақилликнинг 11 йиллигига бағишланган "Аёлларга эҳтиром" мавзуда тантанали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган маъзур тадбирда мамоний, маданият, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш соҳалари, ҳуқуқ-тартиб идоралари ва касба уюшмаларининг хизмат кўрсатган ходимлари иштирок этди.

Тантанали кечада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова ҳуқуқимизнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилганлигини таъкидлади. Ҳуқуқимиз томонидан мамлакат ҳаётининг барча жаҳалларида, нафақат ижтимоий ҳимоя соҳасида, балки иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда ҳам амалга оширилаётган чора-тадбирларни айнан шу нуқта назардан баҳолаш лозим.

Шуниси эътиборга моликки, мамлакатимизда аёлларнинг жамиятда тўтган мавқеини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Қариялар манфаатлари ҳимоясини таъминлаш

бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Ўсиб келаятган аҳолининг жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Яқинда қабул қилинган ва бугунги кунда жадал амалга оширилган муҳим ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналишларда тўхта қўйлаб-қувватлашни қўлайтириш тўғрисидаги Фармони ҳамда ҳуқуқимизнинг аёллар ва ёш келаятган аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор бунга ёрқин мисол бўла олади. Шу билан бирга мамлакат раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунларидан тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга қиришгани ҳам эътиборга лойиқдир. Бу борда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга устувор йўналишга айланган.

Тантанали кеча санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокидаги катта байрам концерти билан аяунланди.

Насолат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

Комиссия йўғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бухоро вилоятида ҳам воёта етмаганлар ишлари юзасидан талғитига ишлар қилинаётган. Жумладан, иқтисодий ўқувчилар билгани янада ошириш тўғрисида йўғилиш бўлиб, мактаб ўқувчилари республика бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгалламоқда. "Мактаблар кун" уюшмаси билан таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда 2 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ ажратилишига эришилган. Мактабларга 432 гектар ер ажратилиб, 448 ёрдамчи ҳўжалик ташкил этилган, бюджетдан ташқари 110 миллион сўмдан зиёд маблағ ишлаб топилган. Комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан методик қўлама таъбираниб, барча туман ва шаҳар комиссияларига юборилган, комиссия раислари, аъзолари ва масъул котиблар иштирокида семинар машғулотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ҳоразм вилоятида таълим шароитини яхшилаш мақсадида моддий ва маънавий рағбатлантириш имкониятларидан умумий фойдаланилмоқда. Вилоятнинг Ҳазорасп тумани

"Муҳомин" жамоаси 11-12 ёшли болалар ўрта-да ўтказилган "Футбол гунаҳлари" мусобақаларининг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган. Туман ёғи дам олий махсус оромгоҳида 185 нафар ногирон боланинг дам олиши ташкил этилган.

Ёшларнинг тасвирий санъатга қизиқишини ошириш ҳамда ўқувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида Хива туманида халқ дўнрамандалиги билан шуғулланаётган 36 нафар устача 300дан зиёд ўқувчи дарсад ташқари пайтада нақошлик, каштачилик, личкоқозлик ва бошқа ҳўнарларни ўрганиш учун шоғирд қилиб бириктирилган.

Ҳоразм вилоятида воёта етмаган ногиронлар прогез-ортопедия мосламалари билан тўғиқ таъминланган. ЮНИСЕФ орқали вилоятта болалар касаллигини далолаш дастури асосида 1 миллион АҚШ долларидан зиёд грант маблағлари жалб этилган. Шу билан бирга йилгилида жойларда бу борда йўғилиш имкониятларига эътибор қаратилди. Воёта етмаганлар ишлари бўйича ҳўдудий комиссиялар ва алоқадор вазирликларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегилиш тавсиялар берилди.

Бехўд НОРОБОВ, ЎЗА муҳбири.

«Ниҳол» муқофотлари совриндорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримовнинг ташаббуси билан ёш истеъод эгалларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксаттиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларни юртга етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган ирода ва имон-эътиқонини мустаҳкамлашга хизмат қилганлар асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириш бориш мақсадида «Ниҳол» муқофоти тасвие этилган эди. Бундан мақсад — халқимиз орасидан етишиб чиқаятган ёш санъат гунаҳларини ҳар томонлама асраб-авайлаш, уларнинг истеъод имкониятларини тўла рўёбга чиқишига қўлағиштириш, кейинги юксак поғоналарга эришиш учун замин яратишдир.

Биз бугун юртимиз эшигини маданий алоқалар, билим-маърифат, тараққиёт учун очиб бердик, ёшларимизга ўз истеъодини ўстириш, чарчлаш имкониятини яратдик. Лекин одамнинг юрак меҳри, қалб кўри бўлмас истеъодга ҳам беркетети. Ҳар қайси инсон, ҳар бир ижодкор биринчи гада ўз юрти олдига қарини ола эйтиши керак. Халқимизда «қиямат

қарз» деган ибора бежиз айтилмаган. Санъаткорнинг ўз юртига меҳри бўлмас, унинг заминига, ёшларга тасвир бўлайди, ижоди одамлар кўнглидек натижа бермайдир. Ҳар қандай истеъоднинг қадриятини, кучи аввало унинг ўз юртига бўлган муҳаббатидан ўлчанган.

«Ниҳол» муқофоти билан энг муносиб, умидли ёшларни танидириш учун танлов Кенгаши тўғилиб, Юртбошимиз тақдирлар билан унинг таркибига таниқилган санъаткорлар қатори, бугунги эстрада юлдузларимиз

Фазлиддин Ҳўсанов — пианиночи, Буюк Британиянинг Уэльс Миллий консерваторияси талабаси.

Комил Мўсаев — виолончел чўлчуси, Германиянинг Мюнхен шаҳридаги Хошўле Олий мусиқа мактабининг магистранти.

Шарофиддин Муродов — мақом ижрочиси, «Мозий» мақомчилар ансамбли бадий раҳбари.

Екатерина Безденежних — Алишер Навоий номидаги Опера ва балет Академик Катта театри балет артисти.

Дилфуза Бекмўбетова — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Сарвинол» ансамбли раққосаси.

Ферузбек Норматов — бағиш, Ҳоразм вилоти Шовот туманидаги «Авазон» оқиланг ансамбли қатнашчиси.

Райхон Ғаниева — эстрада хонандаси.

«Анор» эстрада гуруҳи.

Карен Ғафуров, Артур Муларисов, Санжар Ализов.

Манзура Йўдошевва эстрада хонандаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистранти.

Шаҳло Рўстамова — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Фаргона вилоят бўлими хонандаси.

(ЎЗА).

Мустақиллик Ва маънавият

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Олим Ҳўжаев маҳаллисиде Ватан истиқлолнинг 11 йиллиги ҳамда Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган «Мустақиллик ва маънавият» мавзуда тадбир ўтказилди.

Унда сўзга чиққан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Ғадоиёв, Ўзбекистон халқ шоири Н.Нарзуллоев ва бошқалар истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг турли жаҳалларида тўб ўзгаришлар рўй бергани, неча минг йиллик маънавий ва миллий қадриятларимиз тиклангани, миллий ўзини ўзи

бошқариш модели — маҳалла тизими тобора тақомиллашиб бораётганини таъкидлади. Одамларимиз онги ва қалбиде мамлакатимизда кечаётган илоҳотлар ҳамда эркинлаштириш жараёнига даҳлдорлик ҳисси ортаётгани, айниқса эътиборга лойиқдир. Фўқаролар манфаатларини ҳимоялашга алоҳида аҳамият бериляпти. Жорий йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганга, бу борда махсус давлат дастури қабул қилингани бунинг яна бир тасдиғидир.

З.ХОЛИҚОВ, ЎЗА муҳбири.

Истиқлолимизнинг ўн бир йиллик байрами арафасида мамлакатимиз ҳаётида яна бир улкан воқеа содир бўлди. Президент Ислол Каримовнинг ташаббуси билан бунёд этилган «Навоий-Учкудук-Султон Увайстог-Нукус» темир йўли ишга туширилди. Тошкентдан чиққан биринчи йўловчи поезднинг Қорақалпоғистон марказига етиб бориши катта тантаналарга айланган.

«Аср магистрала» дея таърифланаётган бу улкан ишоотнинг ишга туширилиши миллионлаб ватандошларимизнинг ўзгани яқин қилиш билан бирга шимол-лий минтақамиз ривожига, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатади.

1. Йўл қуриш қадим-қадимдан халқимизда улғу ва савоб иш ҳисобланган. Зеро, йўллар одамларнинг ўзгани яқин, оғирини англол қилади, тақдирларни, етиб бориши бир-бирига боғлайди. Халқнинг, мамлакатнинг бир бутунлигини таъмин этади, унинг рўйи заминдаги ҳаёт билан чамбарчас боғлаб туради.

Йўл инсонга ризқ улашади, унинг манзилга етказиши. Учкудукликлар, янги йўлнинг шарофати билан, ҳатто Зарафшон воҳисидан одамлар шаҳримизга кўчиб келишти, ҳозир уларнинг соғи уч миғдан охи, дейишмоқда. Бу гапга ишонинг келмайди. Нимага деганда, бундан ўн бир йил муқаддам бу ерда ваэти тамомила бошқача бўлган. Одамлар тинчлини йўқотган, ҳамма, эртага нима бўлади, дея безовта. Бесаражонлик туғайди аксарият кўпчилики: «Кўчиб кетамиз», деб кўч-кўронини йиғиштириб қўйган.

Бундай беқарор вазият нафақат Учкудук шаҳрида, балки бутун бир Қизилқум санюат минтақасида ҳўкм сурган. Бунинг асосий сабаби — минтақадаги йирик санюат корхоналари марказга бўйсунган, соғиқ иттифок раҳбарияти эса уларни ўз холига ташлаб қўйган, лекин республика иштирокида ўтишига ҳам йўл қўймаган.

— Уша оғир йилларда Навоий кон-металлургия комбинати шундай кўз ўнгимизда ҳалоқатга кўз тутди, — деб эслайди комбинат директори Николай Иванович Кучерский. — Ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайди. Ундан ҳам ёмони, Қизилқумда ишлаб-ташлан кишилар умидсизликка туша бошлади. Эртанги кунга ишонч қолмади. Учкудукликлар тезроқ кўчиб кетишинг ҳаракатига тушиб қолди.

1991 йилнинг 16 октябрда Президент Ислол Каримов Учкудук ва Зарафшон шаҳарларида, Томи ва Қонимек туманларида, шунингдек, Қизилқумдаги санюат корхоналари бўлади, одамлар билан очик, самимий, юракдан сўқ-батлашди, минтақани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш ҳақида фикрлашди. Орадан кўп ўтмай шу мақсадга қаратилган Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Шундан сўнг ўтган вақт ичиде бу минтақада амалга оширилган ишлар ўз кўлами билан кишини ҳайратга солади. Яқинда ишга туширилган «Навоий — Учкудук — Султон Увайстог — Нукус» темир йўли эса ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан минтақа ҳаётига тўлақонлик бағишлаб, кескин имкониятлар эши-

— Ушанда Учкудук шаҳрига йўл бўлган, — деб ҳўқоқ қилади шу институтнинг бош муҳандиси Виктор Энос. — Биз минг машаққат билан везеҳолда Бузовбой билан везеҳолда Қишлоқ қишлоғига берганимиз. Қишлоқ аҳли шаҳарга кўчиб кетиш кайфиятида экан. Мана шу ҳўдуддан янги темир йўл ўтишини эшитиб, улар йўла-йўлаб қолди.

Кўч-кўронини кўтариб, кўчишга шай бўлиб турган Бузовбойликларнинг кўнглида яна эртанги кунга умид уйғонди. Бугун, орадан ўн йил ўтгач, саҳро бағридаги ушбу қишлоқдан йиғирма нафар йиғит темир йўли бўлиш ниятида таълим олмоқда.

Темир йўл ўз таъсир доирасидаги ҳар бир овул ва йўлқоқ, шаҳар ва туман ҳаётига мана шундай ижобий ўзгаришлар киритмоқда.

3. «Навоий — Учкудук — Султон Увайстог — Нукус» темир йўлида тўпроқ кўтармалари барпо этиш, сўний ишоотлар қуриш ишлари 1994 йили бошланган. Султон Увайстог тизмасидаги Урнисой этакларига миллионлаб кубометр тўпроқ эътиқзилган.

Тоғ чўққисини кесиб, йўл очиш ҳам осон бўлмаган. Даст-ававал бу ишга белорус йўлсозлари уйнаб қуришди, аммо эвнини қилиша олмади. Иш тўхтаб қолди. Лекин ўз ичимизда бу ишинг ҳади-сини олган уста бор экан, у Нукус шаҳрида истиқомат қиларкан.

Бекбауд Сейтов бош бўлган «Узтрансконструкция» трести Нукус қурилиш участкаси йўлсозлари ва машаққатли ишни тўққиз ой ичиде ривосладиқдек қилиб амалга оширилди.

Йўл қуриш — савоб иш бўлгани учунки, қурувчилар доимо берилиб, астойдил ишлашди. Айниқса, Нукус билан Мискин оралиғида 209 километрге масофада темир йўл шу қадар тез қуриб битказилдики, ҳатто одамнинг ишонисини келмайдир. Мискин билан Учкудук шаҳри оралиғида ҳам қурилиш сурьати мана шундай жадал олиб борилди.

Аксарият кўпчилик яқин билдикли, Навоий билан Учкудук шаҳарлари ўртасида олдидан темир йўл бўлган, лекин бу йўл ўз вақтида ишчи поездлар вақтинча қатнаб туришига мўлжаллаб қурилган. Шу боне 120 километрге масофани ташкил этилган ушбу йўналишда, поездлар қатнови тўхтатилмаган ҳолда темир йўл қайтадан қурилди.

Ҳўдудас, 2000 йилнинг декабрга келиб, умумий узунлиги 342 километрге бўлган янги йўлнинг қурилиши иш-ҳўжиса етади. Қўркам вокзал бинолари ва 10 та бекат ҳам қуриб битказилди.

Уттан йўли 23 март кунги янги йўналиш бўйича даст-лабик юк поезди ҳаракат қилди. Шу йилнинг 1 июлигача бу йўлдан 4700 минг тоннадан зиёд юк ташилди ва кўшимча равишда 6,1 миллиард сўм даромад олинди.

4. Биз ўз ҳўқоқимизни бежиз Қизилқум қўйнидаги мўъжаз Учкудук шаҳридан бошлаганимиз йўқ. Учкудукликлар янги темир йўли қурилишида чинакам фидойилик кўрсатишди. Нимага деганда, Навоий шаҳридан 320 километрге ичкарида жойлашган Учкудук, 210 километрге олисада бўлган Зарафшон шаҳарлари яқин ўтмишда саҳродаги «боши берк хўча»га айланиб қолган эди. Уларни автомобил йўлигига катта ҳаёт билан боғлаб турарди. Янги темир йўл шу ериқ аҳоли учун Ҳоразм ва Қорақалпоғистон Республикасига кенг йўл очиб қолмай, уларни бутун мамлакат, ташки олам билан ишил боғлади. Мана шу йўл фуқайли улкан санюат минтақасига, юш минглаб ишчилар, чўпон-чўликлар ҳаётига қайноқлик ва жушқинлик кириб келаятганини ҳис этиш қийин эмас.

Биргина Учкудук шаҳрининг ўзида қўркам темир йўл бекати, соҳа ишчилари учун 20 дан ортиқ коттеж барпо этилди. Ҳўзир 50 нафар учкудуклик ушбу тармоқда меҳнат қилаётир. Яқин вақт ичиде мактаб ва шифохона қад ростлайди. Ҳўзир шаҳарлик тадбиркорлар темир йўл бекати атрофини оқиб қилиш, ўз дўконларини барпо этиб, тижорат ишларини бошлаш ҳаракатиде.

Шунингдек, яқинда қорақўл терини қайта ишловчи цех, Псковгайи кабель заводи билан ҳамкорликда электродвигателлар ишлаб чиқариш қўшма корхона иш бошлади. Шу тарих қарийб 200 га яқин янги иш ўринлари очилди.

Германиянинг «Ост Кол-салтинг» фирмаси билан ишчил ҳамкорлик ўрнатилди, улар қорақўл терига харидор бўлишмоқда...

Янги темир йўл, гўёки ташки ҳамкорлар билан узвий алоқа ўрнатиш имконини яратди.

5. «Навоий — Учкудук — Султон Увайстог — Нукус» темир йўлининг барпо этиш учун одамлар кечани-кеча, кундуз-кундуз, иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ, демай заҳмат чекишяётган, йўл ва бекатлар қуришяётган бир пайтада давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан минтақаддаги санюат корхоналари энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Дунёда биринчи бўлиб Муратов олтин қониди иш жараёнини сурьинг ер йўлсозлари орқали назорат қилиш технологиясини амалиётга табиқ этилди.

Бир йилу саккиз ой ичиде америкалик ҳамкорлар билан бирга «Зарафшон — Нью-мўк» қўшма корхонасиде бунёд этилди. Шунингдек, Қизилқум санюат минтақасида энг кенжа санюат корхонаси — Фосфорит комбинатининг биринчи навбати қуриб битказилди ва ишга туширилди. Ҳўзир бу комбинат йилга 300 минг тонна бойитилмаган фосфорит ун ишлаб чиқармоқда. Қўзон ва Фаргона кимё санюати корхоналарини хом ашё билан таъмин этмоқда.

Ғоффор ҲОТАМОВ.

254-рақамли поезд

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ниҳоят, бу йўлдан, мана, илк йўловчи поезди ҳам қатнай бошлади. Меҳмонлар ва йўловчиларни ўз бағрига олган 254-рақамли бу биринчи йўловчи поезди 22 август кунги кекурун Тошкент Марказий вокзалидан қарнай-сурнайлар остидаги тантанали кузатишлар билан йўлга чиқиб, 23 август кунги тоғ пайтида олиё йўл босиб Навоий шаҳри темир йўл вокзалига кириб келди.

Ушбу биринчи поезднинг илк йўловчилари орасида бўлиш бахтига муассар бўлганлар орасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, бир қатор вазирилар ва идоралар, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раҳбарлари, меҳнат фахрийлари Ўзбекистон Қарамони, республика Езувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ шоирлар,

оммавий ахборот воситалари вакиллари бор.

Биринчи йўловчи поезд меҳмонларини «Навоий» ва «Учкудук-2» темир йўл бекатларида қарнай-сурнайлар, нон-тузалар билан кутиб олишди. «Навоий» бекатидаги тантанали митингти вилоят ҳўқими Б.Рўзиев очди.

Тантанали митингта Ўзбекистон Қарамони, атоқли шоиримиз Абдулла Орипов янги йўлга бағишланган шерини ўқиб берди.

Митингта «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси Равадан Зохидов, меҳнат фахрийси, кеска темир йўлчи А. И. Сашин, «Қизилқумоидирметаллотин» концерни бош инжениери Евгений Толстовлар ҳам самимий табрик сўзларини айтдилар.

Меҳмонлар капитал таъмирлашдан чиқарилган «Навоий» темир йўл вокзалининг муҳташам биносиде ҳамда вокзал ходимлари фаолияти билан таънишдилар. Бу вокзалда ҳар кун 24 соат давомида узлуқсиз равишда йўловчиларга тиббий, манший ва

савдо хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Навоий шаҳридаги тантаналардан кейин поезд Қизилқум саҳроси оралиб Учкудук шаҳрига йўл олди.

23 август кунги айтии туш пайти поезд «Учкудук-2» вокзалига етиб кетди. Вокзал байрамларигаиде безатилган. Меҳмонлар қарнай-сурнай садалари остида кутиб олиди.

Меҳмонларда «Учкудук-2» темир йўл вокзалининг биносиде, унда йўловчилар учун йўлга қўйилган ранг-баранг хизмат турлари катта таассурот қолдирди. Улар Учкудук шаҳридаги санюат корхоналари эришяётган ютуқларини эшитиб, мамун бўлидилар.

Биз шундай хўшхабар олдик: 254-махсус поезд кечанинг ўзидаёқ Тўртқўл шаҳрига етиб келди. Шу муносабат билан бу ерда митинг бўлиб ўтди. Тадбирни Тўртқўл тумани ҳўқими Турсунбой Тангриберасев очди.

«Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Айтбой Уринов, «Оролсув-


қурилиш» бирлашмаси бошлиғи Тўрабой Усанов, туман «Кимёсанюат» хиссасдорлик жамияти раиси Ғулом Тоғиевлар сўзга чиқиб, бу имкониятдан қўнғиёб гапирдилар.

«Нукус» бекатида бўлиб ўтган тантанали йиғилишнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кентеси Раиси М. Ерниязов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримовнинг Навоий-Учкудук-Султон Увайстог-Нукус темир йўли бунёдкорларига табригини Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов ўқиб эшиттирди.

Умуман, Навоий ҳамда Учкудук ва Тўртқўл ҳамда Нукусдаги тантаналарда ҳам сўзга чиққанлар бу темир йўл қурилиши лойиҳасининг таъаббускорини Ислол Каримов экин-лигини алоҳида таъкидладилар ва Юртбошимизга ўз миннатдорчиликларини ишорат этидилар.

Ҳа, ҳақиқатда ҳам, янги магистрал йўлнинг ишга тушиши Истиқлол байрамига муносабат тўғрисида бўлди.



Олий Мажлиснинг IX сессияси олдидан

ИШОНГАНЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШ - БУРЧИМИЗ

Олий Мажлиснинг навбатдаги IX сессияси ўз ишини бошлашига ҳам санокли кунлар қолди. Бугун ҳар бир депутат ўз сайловчилари олдидagi масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда сессияга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Олий Мажлис кўмиталарида сессия кун тартибига киририлган ҳар бир масала устида қизғин мунозаралар давом этмоқда. Икки сессия оралигида қилинган ишлар сарҳисоб қилинаётир.

Мухбиримизнинг Олий Мажлис Ёшлар ишлари кўмитаси раиси Азамат ЗИЁ билан қилган суҳбати ҳам айнан шу ҳақда бўлди.

ҳам камчиликлар бор. Чунки, у ёки бу қонун ижроси бузилган ҳолатларда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик масаласини қатъий қўйишга урганишимиз керак. Ёшлар сессияларида бундан Президентимиз, қонун асослари, ёшларнинг ҳаёти ва ҳаётига таъсирини, уни бахариш шарт, деб масалани қўйишдан қўйингиз. Мана шу вақфда биз учун долзарб бўлиши керак. Шу муносабат билан бир қизик ҳолатга эътиборни жалб этмоқчимиз. Хоҳлаган қонун матнини олиб қарасангиз, олдига унинг охири моддасида ушбу қонун ҳужжатини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида сўз кетган. Назоратчилик ишлари бўйича жойларга ниқилганда биз донмо мана шу модала бўйича қизикмоқчимиз. Яъни мазкур модала ишларнинг, шу қонуннинг у ёки бу моддаси, банди ижроси бўлишига нисбатан жавобгарлик масаласини қўйишнинг ё йўқми? Ёшларнинг камдан кам ҳолатларида ижобий жавоб топамиз. Бошқача айтганда, қонунбузарликка жавобгарлик деганда кишиларимиз асосан жиноий, фуқаролик ишлари бўйича жазони ангайдилади. Шу туғрисида қўйиб қолган. Вақфдан, муайян соҳалар ҳам қонун асосида фаолият кўрсатадику?

— Демак, гап яна ҳуқуқий онг тунувчасига бориб тақалмоқда.

— Худди шундай. Шунинг учун ҳам кўмитамиз билан ҳамкорлик қилаётган "Ёш ҳуқуқшунослар" клуби ишларини амалга ошириб келиб чиқиб ташкил қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, турли соҳа вакиллари унинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасидаги тасавурларини кенгайтириш мақсадида ёш ҳуқуқшунослар интироқида баҳслар, викториналар ва бошқа тадбирлар уюштиришга ҳам эътиборни қаратмоқдамиз. Бошқа амалий тадбирларга келсак, ёш таътил ойларига маҳалла ёшларининг бўш вақтларини банд этиш ниятида яқинда "Қамолот" ижтимоий ҳаракати ва қатор ташкилотлар билан биргаликда шахмат-шашка бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаларини ўтказдик. Қилдиган ишларимиз ҳам, режаларимиз ҳам мул. Мақсадимиз — бизга ишонганлар ишончини оқлаш.

«Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ХОЛМАТОВА суҳбатлашди.

— Кўмитанинг икки сессия оралигида фаолият ва бўлажак сессияга тайёргарлик ҳақида билмоқчимиз.

— Икки сессия оралигидаги фаолият тушуначаси шартли бўлса керак. Негаки, кўмита илм давомида муайян режа ва ваколатлар доирасида ишлайди. Агар қонунлик вази-фармиздан бири қонунчилик бўлса, у ҳолда биз баъзи бир қонун лойиҳалари устидаги ишни давом эттирдик. Бошқа кўмиталар томонидан тақдим қилинган "Давлат статистика-си тўғрисида", "Фуқароларнинг мунозаралари тўғрисида", "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида", "Реформа тўғрисида"ги қонун лойиҳаларида фикр-мулоҳаза ва тақлифларимизни билдирдик.

— Тасавур қилайлик, берилган тақлифлар қабул қилиниб, қонунлар тасдиқланган. Аммо асосий натижа уларнинг ижроси билан белгиланади, шундай эмасми?

— Худди шундай. Шу боис ҳам биз ўтган ойларида асосий эътиборни қонунлар ижросини назорат-таъқил тўғрисида қаратдик. Чунки, сўроқлар деб вилотияда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", Хоразм вилотияда "Таълим тўғрисида", Фарғона вилотияда эса "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини текширдик. Қўриб турганимиздек, танланган қонунлар бевосита ёшлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ.

— Натижаларини?

— Айтиш мумкинки, жойларда қонунлар ижросига риоя қилинган ҳолда янаш, фаолият кўрсатишга интилиш бор. Лекин бу жараён қийин келимоқда. Нафақат бизнинг кўмита, балки Олий Мажлиснинг барча кўмиталари ва комиссиялари илм давомида ўнлаб қонунлар ижросининг назорат-таъқил билан шуғулланишлари, шунингдек, қонунлар ижросини текшириб бориши бўйича бошқа давлат идоралари ҳам борлиги, бундан ташқари асар ташкилотларда ҳуқуқшунос лавозими

«Умид» операцияси — Хоразмда

даги даволаш муассасаларига, шу жумладан олис туманларга тарқатилди.

Қадимий воқола ҳам мамлакатимизнинг бошқа вилотларидаги каби Америка Қўшма Штатларининг Убекистонга мустақиллик йиллари давомида етказиб бераётган инсонпарварлик ёрдамнинг энг йирик лойиҳаси — «Умид» операцияси дастурининг навбатдаги босқичи амалга оширилмоқда. Ушбу операцияни Каунтерпарт Интернэшнл таниқли нодавлат ва нотижорат ташкилоти АҚШ Давлат департаменти шафелигида амалга оширмоқда.

Ургачи аэропортида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Каунтерпарт Интернэшнл ташкилотининг ҳамжа-

мўжаллаганини таъкидлади. Бирок Каунтерпарт Интернэшнл билан ҳамкорлик қилган турли халқаро жамғармалар, хайрия ташкилотлари ва фармацевтика компаниялари 35 миллион долларлик дори-дармонлар етказиб берди. Ушбу дори-дармонлар республикамизга 255 та шифохонага тақсимланди.

Хоразмга келтирилган дори-дармонлар вилотдаги экологик аҳволнинг инobatта олган ҳолда сараланган. Каунтерпарт Интернэшнл худудий вакиллари республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирига ва вилот ҳокимлигига билан самарали ҳамкорлик бунга хизмат қилди.

Т.ШАМАКОВ, ЎЗА мухбири.

Танлов якунланди

"Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сийсий жамғармаси танлов ҳайъати халқимиз учун энг улуғ ва энг азиз айёмимиз Мустақилликнинг шонли 11 йиллиги муносабати билан яратилган ва ёллон қилинган — истиқлолнинг тарихий ва бемисл аҳамияти, ҳаётимиз ва тақдиримизда ясаган бекиёс ўзгаришлари талқин ва таранум этилган қўйилган ижодий ишлар муаллифларини "Энг улуғ, энг азиз" мавзудаги танловнинг ғолиблари ва совриндорлари деб топди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

Василий Жапаров — rassom.

"Шажара" асари учун (Қорақалпоғистон)

Зайниддин Мирзас — rassom.

Ватанга муҳаббат, Она ва бола мавзуларидаги туркум асарлари учун

Нўмонжон Муҳаммаджонов — фотосуратчи ("Халқ сўзи").

Бахтиёр Бидов — rassom.

Бахтиёр Бидов — rassom.

Юрий Черногаев — журналист.

Мустақилликка бағишланган долзарб мавзулардаги чиқишлари учун

Саъдулла Ҳаким — шоир.

"Сайланма" шеърлий тўплами учун

СОВРИНДОРЛАР:

Ғанишер Акбаров (Наманган вилоти, ТВ), Ирисмуҳаммад Абдукаримов ("Ватанпарвар" газетаси), Турсун Али ("Тўғулган ранги" сайланмаси учун), Абдуазим Алимов ("Ёшлар" телеканали), В.Лисов (rassom), Ҳакимжон Ризаев (наманганлик rassom), "Тошкент оқшони" газетаси, Муҳаррам Юсупова (Педагогика фанлари доктори), Рустам Шарипов (фотожурналист), Саодат Ҳасанова ("Қишлоқ ҳақида уйлар" туркум кўрсатувлари учун).

Ю.А.

НОИНСОФГА ЭРК БЕРСАНГ...

Шу кунларда пойтахтимизда ташкил этилган сайёр савдо ярмаркалари харидорлар билан ҳар қачонгидан гавжум. Расталардаги сархил мева-чевалар, сабзавот ва полиз, қандалот маҳсулотлари, қундалик эҳтиёж моллари кўзингизни қувонтиради. Айниқса, нисбатан эрзонлиги билан алоҳида ажралиб туради.



Улар мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келтирилган. Аса миришкорларнинг ҳалол пешона тери эвазига етиштирилган. Савдо ташкилотлари, кўшма корхоналар, турли фирма-ю компаниялар томонидан қайта ишланган.

Дарвоқе, ҳар йили Тошкентда қишлоқ хўжалиги ва савноат моллари савдо ярмаркасини ўтказиш бўйича анъана айланиб қолди. Бу қишлоқ меҳнатқашлари ва маҳаллий савноат ишчиларининг шарафлиқ урғунлиги учун ўзига хос тўхфаси ҳисобланади. Бирок...

Кеча тонгақаблар Фарҳод бозорига бўлди. Бу ерда Сурхондарё заминда етиштирилган маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган экан. Биз харидорларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Мен икки кундан буён бааийи шу жойдан рўзғорбоп етуликлар харид қилаётман, — дейди нафақасур Раиса Сантлова. — Ҳожабторлар Истиклол байрами арафасида бу нознеъматларни бизга етказиб, дастурхонимизни янада тўқинсочин қилиш мақсадида ош чакиримлаб йўл босиб келишган. Тошкентликларга аталган мева-чеваларини, қонун-тарузуларини бозорларига нисбатан икки-уч баравар эрзон сотишмоқда.

— Ҳақ гап, — деб сўбатта қўйилди "Сут" акциядорлик жамияти ишчиси Р.Иноғомов. — Ишонмасангиз, мана, Ангордан келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосида назар ташланг: ҳар килограмм узуннинг нархи аттиси

юз, олма ва пиёзники эса элли сўм қилиб белгиланган. Сифати ҳам қониқарли даражада.

Туман ҳокимияти вакили Бобоназар Абдурахмоновнинг таъкидлашича, ангорликлар ярмаркага 30 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари олиб келишган. Шунга яраша савдонинг рессоладилик йўлга қўйишга интилишмоқда. Бунга ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Аммо сал нарида — Жарқўрган туманига қарашли маҳалла атрофида қуйма-ланаётган, у қоп олманчи шоша-пиша аравақча ортиси билан машғул икки аёлга кўзимиз тушар-тушмас, ҳафсаламиз пир бўлди. Негаки, улар олий шарафлиқ асло ўхшамасдилар. Қунда-шунда олибсотиладиган эканликлари юз-қуларидан, хатти-ҳаракатларидан шундоққина сезилиб туради.

— Тўғри илгандигиз, — деди ўзини Икром Файзиев деб таништирган киши фикр-мулоҳазаларини уққандай, — булар, ҳақиқатан ҳам, бирини иккинга уриб, мўмай даромад орттирувчи чайқовчилар. Қачон шу нақаларни кўрсам, нафратим қўзиб кетади. Ахир, ўзингиз уйланг, деҳқонлар бизга меҳр-

савоҳат кўрсатиб, олис-олислардан тансиқ мева-чевалари олиб келишса-ю, иккинчисини йўқотган айрим кимсалар уларнинг шаънига доғ туширишса, бу қанақаси? Эрзон-таровга кўтарасиз харид қилинган маҳсулотни беш қадам нарида осмон баҳосида сотишса, бу қанақаси ноинсофлик?

Сўбатдошларимизнинг башорати тўғри чиқди. Оралдан кўп ўтмай боғи аёллари Фарҳод бозорига кўрдик. Икковлон қуруқ ерга ўтириб олганча, эллик сўмлик олманчи юз-юз йиғирма сўмдан пулладан шари. Қанчалик сўраб-суриштирмайлик, улар бизга исм-шарифларини айтишмади.

Минг афсуски, бундай воқеалар бошқа ярмаркаларда ҳам рўй бермоқда. Бас, шундай экан, шахсий манфаати йўлида ҳар нарсадан қайтмайди, эзу иши доғ тушираётган чайқовчи-олибсотиладиган танобини тортиб қўйиш лозим. Мутасаддилар бу борада зарур чора-тадбирлар белгиланган керак.

Абдувоҳид ҲАТАМОВ, «Народное слово» мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Боласини албаган

«...вилотдаги 238 та мактабда дарслар икки сменада, тўртта мактабда эса уч сменада олиб борилаётгани, ўн та мактаб ночор аҳволда экани, 21 та мактабда эса қурилиш ишлари тугалланмаётгани бу соҳада анча-мунча муаммолар йиғилиб қолганидан далолат беради».

Бу сўзларни Юртбошимиз халқ депутатлари вилот кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қуйиниб айтган эди. Мана янги ўқув йилига санокли кунлар қолди. Навоийлик мутасаддилар аччиқ ҳақиқатдан қандай хулосалар чиқаришди?

Авалло, вилот халқ таълими бошқармасидаги маълумотларга кўз югуртирамиз. Вилот ҳокимининг 2002 йил 26 февралдаги Ф-47 фармоишида мактабларни капитал таъмирлаш учун 221,6 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Қонундан у ой нақт ўтган, яъни 22 май кунини вилот халқ таълими бошқармасининг «Уқув муассасаларининг янги ўқув йилида ҳамма кузги, қишқи мавсум давомида узлуксиз ишлашга тайёрлаш тўғрисида» 125-АФ буйруғи чиқарилган. Ҳўш, режалаштирилган ишлар удаллашди? Бир сўз билан айтганда, тўғри келар. Бунинг 1 август ҳолатидаги капитал таъмирлаш бўйича маълумотнома ҳам исботлаб турибди. Ундан баъзи рақамларни айнан келтирамиз.

«Таъмирлаш ишлари Хатирин туманидаги 26-, 60-мактабларда 80 фоизга, 4-, 41-, 14-мактабларда 40-50 фоизга бажарилиб қолган. Кейинги учта мактабда маблаг ажратилмаганини тўғри келар. Бунинг 1 август ҳолатидаги капитал таъмирлаш бўйича маълумотнома ҳам исботлаб турибди. Ундан баъзи рақамларни айнан келтирамиз.

Томли туманидаги мактабларда туман халқ таълими бўлими мудирининг маъсулиятсизлиги оқибатида тўртта мактабда таъмирлашга кеу киришилди. Қизилтепа туманидаги 5-мактабга ажратилган маблаг 120 фоизга удаллангани ҳолда 15-мактабда 65 фоиз атрофида турибди. Навоий шаҳридаги 12-, 17-мактабларни таъмирлаш кеукиди. Навоий туманидаги 11-мактаб 80 фоиз таъмирланди. 9-мактабда туман ҳокими томонидан белгиланган пулдарчи ташкилотнинг айланма маблагини бўлмагани сабабли иш бошлангани йўқ.

Ушбу рақамларнинг ўзиёқ халқ таълими муассасаларини капитал таъмирлашга маъсулиятсизлик, эътиборсизликдан далолат бериб турибди.

— 1 августга жорий, 25 августга капитал таъмирлаш тугатилди, — дейди вилот халқ таълими бошқармаси бошқари уринбосари Бўрибой Ҳошимов (Аслида, ҳужжатларда жорий таъмирлаш ишлари алақадор тугатилгани қайд этилган). — Тўғри, етишмовчиликлар кўп. Молиялаштиришда кеукинчи ва узилишлар рўй бериб. Етти ой давомида вилот ҳокимининг фармоишида белгиланган маблагнинг 123 миллион сўми кўчириб берилади, холос. Қўнчилик мактаблар ота-оналар, ўқитувчилар кучи билан

таъмирланди. Асосий эътиборни тайёргарликка ортда қолган илм масканларига қаратаями.

Бошқарма уринбосари «мактаблар» мактабларга бизни бошладим.

— Жорий таъмирлаш 25 майда тугалланган эди. — деди Навоий туманидаги Бурқон Эсонов номли 6-мактаб директори уринбосари Бегима Ҳакимова. — 23 та синф хонаси бор, 1002 ўқувчи икки сменада ўқийди. Мана бу корпуснинг бир томони ағабан кетиш ҳолатида эди. Ширкат хўжалигимиз ёрдам қилди. Бузиб, қайта қуриб беришди. Эрта-индин қолган юмушларни удаллаб қўямиз.

Ҳовлида тупроқ, ҳам гишт уюмлари анча. Деворлар оқланганга, дераза-эшиклар ҳали буюк қўрмаган. Мактабнинг шундоқ қаршисида 1991 йил бошланган, 1995 йилда тақта-тақ тўхтаб қолган уч қаватли ном савлат тўқиб турибди. Айтишларича, мактаб директори кириб-чиқмаган идора, муассаса, мактаб қолмапти. Ҳамма жойда жаваб бериш: маблаг йўқ. Ҳоженев эси ушбу қурилиш келаси йил режасига кириштирилган билдиран.

Беруний номли 5-мактаб директори Ҳасан Қуралоев «ҳаммаси жойида» дея бизни ишонтирмоқчи бўлди. Чиндан ҳам, баъзи камчиликлар-

лантриётган бошқа бир мўаммо хусусида. Уйлаб кўринг, партаси йўқ мактаб, мактабми? Бир партада 3-4 ўқувчининг сиқилиб ўтиганини кўз олдигизга келтиринг. Ақл бовар қилмайди. Қайси мактабда бўлмайдик, парталар камлигидан сиқоқти қилишди. Анниқлашчи, буттур вилот мактаблари (жами 377 та)га 1718 та, бу йил эса 594 та парта олиб берилган. Яна 8606 та партага зарурат бор. Бунинг устига қарий 2000 та стол, 1500 та доска керак. Вилот Халқ таълими бошқармаси бош ҳисобчиси Абдурауқов Улжаевнинг айтишича, республика Халқ таълими вазирилик «Талим савдо» бошқармасига шу мақсадлар учун 80 миллион сўм маблаг ўтказган. Яқин орада бу мўаммо ҳал этилади.

Дарсликлар таъминотидаги камчиликлар ҳам анча. 15 август кунигача жами 78 фўз ўқувчига мўжалланган дарсликлар тўпланганини таъкидлашмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Улуғсиз таълим тизимини дарслик ва ўқув алаб-беллари билан таъминлашни тақомиллаштириш тўғрисида» қарорининг бажарилиши сўст.


Ҳомийлик қўмағи Коинмех, Кармана туманларида бирмунча яхши ташкил этилган, дейиш мумкин. «Зарафшон-Нўмонот» қўшма корхона таълим муассасалари дарсликлари учун 50 минг АҚШ доллари ҳажмида маблаг ажратганини таъкидлаш мароқиди.

Ҳомийларимиздан миннатдоримиз, — дейди Навоий туманидаги Иби Сано номли 10-мактаб директори Дилбар Умарова, — улар 200 минг сўмдан кўпроқ маблагни фақат дарсликлар учун ажратти. Ижара тизимининг самараси катта бўляпти.

«Менин мактаб аро булар муродим, Хатимдек қачса имон саводим.» (Фурқат).

дея ўқишга келади. Улар эртани кўнмиз эгалари, мамлакатимиз келажиги. Шундай экан, болаларнинг айиб-ишбаб билан олишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилиши даркор. Зеро, донишманднинг «Халқ учун нондан сўнг энг муҳим мактаблар» деган пурҳикмат сўзларини унутиб бўладими?

Абдувоҳид ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ҳикматга бой оталар.

Рашид ГАЛИЕВ сурат-лавҳаси.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Олтин хумо" мукофоти тақдими тоғи бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Олтин хумо»

Ғолибларни кутмоқда

Юртимизда барча соҳалар каби мусиқа санъати ривожига ҳам катта эътибор қаратилади. Утказиладиган турли танлов, кўрик ва фестиваллар бунинг ёрқин исботидир. Жумладан, «Олтин хумо» мукофоти ҳам профессионал эстрада санъатини ривожлантириш, соҳадаги ютуқларни рағбатлантириш, шу йўналишда фаолият олиб бораётган ижодкорларнинг ютуқларини тарғиб этиш ҳамда уларнинг илганиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Узбекистон» эстрада бирлашмасининг Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси томонидан тасвир этилган.

Ушбу мукофотта мамлакатимизнинг барча профессионал эстрада жамоалари, яхкашон хонандалар, бастакор ва шoirлар, сахналаштирувчи режиссёрлар, аранжировка усталари, овоз ёзиш режиссёрлари, эстрада соҳасида ижод қилаётган расм-модельерлар, шуниқал, ўзбекча, қорақалпоқча кўшиқлар ижро этишчи чет эллик хонандалар, бастакор ва шoirлар давogar бўлиши мумкин.

Мукофотлар 12 номинация бўйича берилди. Ҳозиргача олтиндан зиёд давogarлардан ҳужжатлар қабул қилинди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими шу йилнинг 15 сентябрга мўлжалланган.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

САВОЛ БИЗДАН...

Такла — Макан саҳроси қаерда жойлашган?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Сибирь, Лапландия ва Канадада.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «ВАКА-УТУ» масъулияти чекланган жамияти ТУГАТИЛАДИ. ОКПО коди 16640256. Барча давво ва эътирозлар эълон чоп этилгандан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 74-36-19.

ШАХМАТ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказиладиган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон шахмат олимпиадасида ҳамюртларимизнинг зафарли юриши давом этмоқда.

Мусобақанинг биринчи турда Сингапур терма жамоасини 4:0 ҳисобида доғда қолдирган ўзбекистонликлар иккинчи учрашувни турнирнинг

Ҳабаскорлар синашмоқда

Самарқанддаги «Овози Самарқанд» газетаси «Муҳандис» фирмаси билан ҳамкорликда шахмат мусобақаси ташкил этди. Мустақилликнинг 11 йиллигига бағишланиб ўтказиладиган ушбу мусобақада мамлакатимизнинг етти нафардан келган 250 нафардан зиёд шахматчилар иштирок этишаётир. Улар орасида эндигина шахмат оstonасига кириб келаётган 5 ёшли болакайдан тортиб 85 ёшли отахонгача бор. Мусобақа ҳимйларининг эътирофига, бундай мусобақалар кейинги йилларда ҳам давом этади.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Полвонлар спорт иншооти қурди

Полвонлар ўз номлари билан полвон. Мард ва танга. Қўрғонтепалик полвонлар бунга яна бир бора ибтидолашди. Улар туманида «Деҳқончек» ширкат кўчаларида минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуи қурилишининг ташаббускори бўлишди. Ҳашар йўли билан қурилган ушбу спорт иншооти қурилишида нафақат ёш полвонлар, балки кекса полвонлар ҳам четда туришмади.

Энди Андижоннинг узоқ қишлоқларидан бири — «Деҳқончек» дан ҳам чемпионлар етишиб чиқса ажаб эмас.



Абдулла ОРИПОВ.

Тасвирий санъат

Хуморанинг ажиб олами

Ҳозирча номингизни билмайди жаҳон, Ҳозирча расмини чизмоқдасиз шод. Билмасиз, елкангиз оша шодумон, Қузатиб турганин музаҳҳиб Бехзод.

Еш мўйқалам соҳиби — Хумора Мўйдинова ўз қаламида ҳаёт гузалликларини рангин бўёқлар орқали тасвирлаб, кишилар қалбига ажиб ҳис-туйғулар улаштираётган истеъодлардан бири.

Хумора ўрта мактабни тугатгандан, сўнг Фаргона Давлат университетининг ўзбек маданияти ва санъати факультетига ўқишга кириб, бир қатор тажрибали устоз раҳоматлари олдидан таълим-тарбия олди, расмийликнинг нозик сир-асрорларидан баҳраманд бўлди. Университетда ўтказилган кўрсатмаларда ўз расмлари билан фаол қатнашди. У Мирзо Улуғбек номи истеъодли ёшларни

қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳимйлигида ўтказилган кўрик-танловда қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади. Расмлари университетда кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳолаб сазовор бўлган.

Тинимсиз изланиш, ўқиш, машаққат туфайли у тенгқурлари ўртасида хурмат-эътиборга сазовор бўлди. 1999 йилда университетни аяло баҳолар билан якунлаб, «Фаргона тумани» халқ таълими бўлимига ишга кирди. Айни вақтда у ижод билан машғул «Совчи», «Нариндилан Афанди», «Хувайдо», «Гуноҳ», «Айри йўлда», «Ҳаёт бўсағаси» номлардаги расмларнинг ҳар бирини сир-симоли дунёнинг ўзига хос қирралари мужассам. Хумора ижодида кўпроқ бола тисими тасвир этилган асарларни учратиб мум-

кин. «Сурнай чалаётган бола», «Она ва бола», «Туп тош», «Илк сабоқ», «Кичик ёрдими», «Илмга интилиш» каби лаҳзалар, айниқса болалар тасвири етакчи ўринни эгаллади. Бунинг боисини Хумора шундай изоҳлайди:

«Қадимги расмлар фарришгани бола кўёғасида тасвирланган. Бу бежиз эмас, албатта. Инсонлар доимо бола тисимида покликни, беғубор-беғуноқликни, қолаверса, ўзининг чексиз орзу-армонларини кўриб келганлар. Суратларимизда кўпроқ болалар, болапарвар кишилар тасвири мажмулиги ҳам ана шундан.

«Алломчи», «Ўзбек қиз» каби суратларда халқимизнинг ўзига хос мардлиги, тантинлиги, ўзбек қизларининг гўзаллиги тасвирланган бўлса, «Муҳаббат эътироби», «Фарзанд доғи» картиналаридан келиб чиққан расмларнинг ҳар бири дерайли бир катта санъат асарига тенг келади. Расмлар маҳорат, машаққат билан ишланган, улардаги ҳар бир бўёқ, ранг, белги, фон... ҳамма-ҳаммаси юксак маъно-мазмун ифодаляйди.

Хуллас, ёш расм Хумора Мўйдинованинг расмлар гулдасини томоша қилар экансиз, кўнглингиз кулфатингиз очилиб, гўзалликнинг ажиб оламида сайр қиласиз, бутун вужудингиз маънавий озуқадан баҳра олиб, енгил тортиди.

Собир ДАДАХЎЖАЕВ.

ЗАФАРЛИ ЮРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўтган йилги голиби Украина шахматчиларига қарши ўтказилди. Кескин ва мurosасиз кечган бу баҳсда 2:2 ҳисобида жанговар дураниг қайт этилди. Шахматчиларимиздан Антон Филипов ва Абдуҳад Кўчқоров ўз рақибларини енгган бўлса, Тимур Гареев ҳамда

Фурқат Имомов ўйинни бой берди. Учтинчи турда терма жамоамиз аъзолари вьетнамлик тенгшошларига қарши дونا суриб, 3:1 ҳисобида галаба қозонди. Вакилларимиздан А.Филипов, А.Кўчқоров ва Х.Турдалиев рақибларига ҳеч

қандай имконият қолдирмади. Бироқ шахматчимиз Т.Гареев вьетнамлик рақибига ютқазиб қўйди.

Ўзбекистон терма жамоаси уч тур якунларига кўра мусобақада етакчилик қилмоқда. Спортчиларимиздан А.Филипов, А.Кўчқоров ва Х.Турдалиев ўтказилган учрашуларда ҳали бирор марта ҳам енгилгани йўқ.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон очик жамият институтининг кўмак жамғармасининг гендер дастури доирасида ГРАНТ АРИЗАЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон очик жамият институтининг кўмак жамғармасининг гендер дастури аёллар ҳуқуқий саводхонлиги Винрок Интернейшнл лойиҳаси билан телефонларда Ўзбекистоннинг инкироз марказлари ва ишонч марказлари учун «Грант аризалари танлови»ни эълон қилади. Мазкур лойиҳа инкироз ҳолатга тушиб қолган аёллар ва ёшларга психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш бўйича фаолият кўрсатаётган инкироз марказлари ва ишонч марказларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Грантлар куйидаги фаолиятларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши мумкин (булар билан чекланиб қолинмайди):

- таълим дастурлари (аёллар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича семинарлар ҳамда тренинг дастурлари ўтказиш, масалан, оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, репродуктив ҳуқуқ, жамоат иши ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ ва ҳоказо), шунингдек инкироз марказлари ва ишонч марказлари ходимларини профессионал тайёрлаш бўйича таълим дастурлари;
• информацион дастурлар (биолетенлар, қўлланмалар, информацион варақалар, эслатмалар, буклетлар, брошюралар, плакатлар, календарлар, видеоматериаллар, тематик телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, мақола-лар ва ҳоказолар);
• аёллар ва ёшлар ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш;
• инкироз ҳолатга тушиб қолган аёллар ва ёшларга ҳуқуқий, психологик реабилитацион ёрдам бериш, шу жумладан учрашиб ва ишонч телефонлари орқали маслаҳатлар бериш, давлат ташкилотлари ва идораларида, суд органларида, ўзини-ўзи бошқариш органларида, ижтимоий ҳимоя қилиш идораларида, оилада респондентларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
• давлат тизимидаги ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла фуқаролари йиғинлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари (Advocacy) билан яқин ҳамкорликда аёллар ва нодавлат, нотижорат аёллар ташкилотлари манфаатларини илгари суриш бўйича кампаниялар (аёллар ҳуқуқлари масалалари бўйича учрашулар, семинарлар, давра суҳбатлари, конференциялар, мажлислар, сьездлар, медиа-кампаниялар ва ҳоказолар) ўтказиш;
• шелтер (бошпана бериш, индивидуал ва гуруҳ психотерапияси; ҳуқуқшунос, врач, ижтимоий ходими жалб этиш; қайта касбий тайёргарлик кўришга шароит яратиш ва кейинчалик иш билан таъминлаш; волонтерлик жалб қилиш, шу жумладан шелтердан зарар кўрган пациентларни; тадбиркорлик фаолияти).

Иштирокчилар Танловда бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга Ўзбекистондаги нотижорат, нодавлат инкироз марказлари ва ишонч марказлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

1. Грант аризаси шаклига тўлиқ риоя қилиб тўлдирилган грант аризаси (Грант аризасининг титул варағида ариза берилган сана, ташкилот раҳбари имзоси ва мурқ қўйилган бўлиши керак);
2. Устав ва ташкилот рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
3. Барча лойиҳани бажарувчиларнинг резюме/таржimai холлари;
4. Ўзбекистон очик жамият институтининг кўмак жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ёрдамида амалга оширилган ёки амалга ошириладиган лойиҳалар (грант кўмаги берилган дастури кўрсатиш) ҳақида маълумот;
5. Ташкилот фаолияти ҳақида маълумот (буклетлар, брошюралар, памфлетлар).

Грант аризалари 2002 йил 20 сентябргача қабул қилинади.

Барча саволлар бўйича Ўзбекистон очик жамият институтининг кўмак жамғармаси гендер дастури мувофиқлаштирувчиси ассистенти Феруза Ашматовга куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 1205408-13, электрон почта: feruza@osi.uz.

Манзил: 700031, Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси, 31-уй.

ҚУРМАТЛИ СОТУВЧИ ВА ХАРИДОРЛАР!

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»

«Отчопар буюм бозори» очик акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорларга яратилган шароитларни яхшилаш, савдони замонавий услубларда ташкил этиш, савдо жойларини қайта жиҳозлаш, бозор ҳудудини ободонлаштириш ҳамда зарур хизмат турларини барпо қилиш мақсадида шу йилнинг

1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ, «ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ» ҚАЙТА ҚУРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ВАҚТИНЧА, 3 ОЙ МУДДАТГА ЁПИЛАДИ.

Савдо фаолиятини давом эттириш истагида бўлган тадбиркорларга «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозорлардан мавжуд бўш савдо расталари тавсия қилинади.

«Отчопар буюм бозори» ОАЖ маълумоти.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:
□ докторантура — 1 ўрин;
□ кундузги аспирантура — 1 ўрин;
□ клиник ординатура (бюджет) — 2 ўрин;
□ клиник ординатура (контракт) — 2 ўрин;
Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 1 ой.
Мурожаат учун телефон: 173-63-72.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
2002/2003 ўқув йили учун докторантура ва аспирантурага куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:
Докторантурага:
15.00.01 — дори технологияси ва фармация ишларини ташкил этиш (1 ўрин);
15.00.02 — фармкимё ва фармакогнозия (1 ўрин).
Аспирантурага:
15.00.01 — дори технологияси ва фармация ишларини ташкил этиш (3 ўрин);
15.00.02 — фармкимё ва фармакогнозия (3 ўрин).
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.
Манзил: 700015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефон: 56-39-54, факс: 56-45-04.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
2002/2003 ўқув йили учун конкурс асосида номзодларни қабул қилади.
Аспирантурага:
эндокринология ихтисослиги (кундузги бўлим) — 1 ўрин.
Манзил: 700125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Х.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.
Қабул комиссияси телефони: 162-27-02.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Иқтисодиёт ва тадбиркорлик» бўлими ректор муовини
Абдугани АБДУХАЛИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.
Мурод АБДУЗАИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Тонг юлдузи» газетасининг бош муҳаррири Умида Абдуғафоровага отаси
Мурод АБДУЗАИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
«Узмаҳаллийтаъминотсотиш» акциядорлик бирлашмаси «Маҳаллий саноат» фахрийси
Ортик МАНСУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-07-48; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-35-60;
Газеталар билан алоқа ва минатақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибиат — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 777, 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — С. ДОНИЁРОВ.
Музаҳҳиб — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат материалли.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Тошириш — 24.00
1 2 3 4 5 6